

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ФЕНОМЕН СИФАТИДА

А.Сайткасимов

**Жиззах Давлат педагогика университети “Фалсафа, тарбия ва хуқуқ таълими” кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори
Ф.Исохонова**

**Ўзбекистон Миллий университети Жиззах филиали “Ёшлар
психологияси” йўналиши магистранти**

Аннотация. Бугунги кунда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва мазкур жараёнларни тартиб билан олиб боришининг стратегик тизимларини ишлаб чиқиш, жамиятда сиёсий, фалсафий, психологик, социологик тадқиқотларни кучайтириш муҳим вазифадир.

Калит сўзлар: Давлат, фуқаролик жамияти, барқарорлик, жамоатчилик фикри, социологик тадқиқот, демократия, ошкоралик, тамойил, эмпирик манба, аналитик мушоҳа.

Аннотация: Сегодня важной задачей является изучение общественного мнения и разработка стратегических систем упорядоченного ведения этих процессов, усиление политических, философских, психологических, социологических исследований в обществе.

Ключевые слова: государство, гражданское общество, стабильность, общественное мнение, социологическое исследование, демократия, прозрачность, принцип, эмпирический источник, аналитическое наблюдение.

Abstract. Today, it is an important task to study public opinion and develop strategic systems for conducting these processes in an orderly manner, to strengthen political, philosophical, psychological, sociological research in society.

Key words: State, civil society, stability, public opinion, sociological research, democracy, transparency, principle, empirical source, analytical observation.

Бугунги кунда давлат билан фуқаролик жамияти баҳамжихат фаолиятининг, унинг сиёсий тизими барқарорлигини таъминловчи муҳим жараёнлардан бири жамоатчилик фикрини ўрганишдир. Давлат ҳамиша жамоатчилик фикри билан боҳабар бўлиб туришга интилади. Бу эса, жамоатчилик фикрини тартибга солиш ва уни ўрганишнинг стратегик тизимларини ишлаб чиқишни, жамиятда сиёсий, фалсафий, психологик, социологик тадқиқотларни кучайтиришни талаб қиласди. Бу соҳада жамиятимизда амалий қадамлар қўйилди, лекин тўлақонли мақсадларга эришиш учун унинг ташкилий ва методологик тизимлари тўлақонли ишлаб чиқилишига эҳтиёж мавжуд.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш эҳтиёжи бир томондан, давлат ва жамият тузилмалари фаолиятида демократик ва ошкоралик тамойилларни янада кучайтириш, уни шаклан ва мазмунан бойитиш, иккинчи тамондан эса

фуқаролик жамиятини ўрганишда мавжуд эмпирик манбаларни илмий аналитик мушоҳадалаш, назарий қайта ишлаш, синтезлаш ҳолатларига бевосита боғлиқ ҳолда шаклланади. Ана шу икки жиҳатлардан бирор бири бўлмаса жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам уни демократик услубларда шакллантириш ҳам самарали кечмайди.

Шунинг учун “Ижтимоий фикрнинг демократик тараққиёт ва давлат бошкаруви тизимига таъсирини ошириш - турли нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар, ҳаракатларни жонлантириш ҳамда хақиқий сиёсий плюрализм, фикрлар, далиллар плюрализмини шакллантириш билан боғлиқ жараёндир. Бу борада сиёсий гурухлар, партиялар ўз издошлирининг ижтимоий тараққиётга оид фикр, таклиф ва талабларини умумлаштириб майдонга чиқишиади. Жамиятда ижобий ва сиёсий рақобат муҳитининг қарор топиши тараққиётнинг турли йўналишларида энг афзал услуг ва воситаларни ишлаб чиқишига қулайлик яратади”¹.

Бугунги замонавий шароитда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ва хукуқий жараёнларга реал ва муносиб баҳо беришда эмпирик социологик тадқиқот натижалари ўзига хос ўрин тутади. Хусусан, жамият ҳаётидаги муҳим, ҳаёт-мамот хусусиятига эга бўлган жараёнларга, ижтимоий-иқтисодий вазиятга реал баҳо беришда социологик сўров натижалари орқали якуний хулосалар бериш ва мавжуд ҳолатни тазатиш борасида қарорлар қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади. Эмпирик социологик тадқиқотлар натижалари ижтимоий воқеликни ўзида акс эттириб, ҳаётий жараёнларни баҳолаш, прогнозлаштириш ва бу борада аҳолига аниқ маълумотлар етказиш борасида зарурий аҳамиятга эга. Чунки, барча эмпирик социологик тадқиқотлар асосида жамоатчилик фикри ётади.

Фалсафа қомусий луғатда жамоатчилик фикри талқини ижтимоий-психологик йўналишда қуйидагича изоҳланади: “Омманинг, аҳоли қўпчилик қатламининг воқеа-ходисаларга, ижтимоий жараёнларга нисбатан муносабатини ифодаловчи фикрлари, ғоя, қараш ва тасаввурлари. Жамоатчилик фикри ижтимоий ҳаёт таъсирида стихияли шаклланиб бориши ёки сиёсий ташкилотлар ва мафкуравий муас-сасаларнинг омма онгига таъсир кўрсатиши натижасида мақсадга мувофиқ, ўзгариб бориши мумкин. У ижтимоий онгнинг ўзига хос умумлашган ифо-даси сифатида, алоҳида фикрларнинг ўзаро алмашинуви, бойиши ва уйғунлашиб бориши натижасида юзага келади”².

Жамоатчилик фикрининг ижтимоий-психологик феномен сифатидаги талқини юзасидан шуни таъкидлаш лозимки, у ижтимоий онгдан ҳам давлат ёхуд тузумнинг директив қарашларидан ҳам, ёки алоҳида шахс фикр-қарашларидан ҳам фарқ қиласди. Жамоатчилик фикри ижтимоий онгнинг ҳосиласи, жамият турли табақаларининг фикр-қарашлари, муносабатларининг реал ва умумлашма ифодасидир. Мамлакатда амалга

¹ Рўзиев Р. Демократия тараққиёт гарови. Т., “Фалсафа ва хукуқ институти”, 2005. –Б. 62.

² Фалсафа қомусий луғат. Тошкент, “Шарқ”, 2004. –Б 124.

оширилаётган барча ислоҳотлар, мақсадли ижтимоий ўзгаришлар, янгиланишлар жараёни жамоатчилик фикрида намоён бўлади.

Сиёсий психолог А.И. Пироговнинг фикрича, “Ижтимоий фикр халқни жипслаштириши, ватанпарварлик руҳида тарбиялаши, давлат ва жамият ўртасидаги алоқаларнинг узилиб кетмаслигини таъминлаши, сиёсий-иқтисодий ташаббусларни қўллаб қувватлаши керак. У давлат ва жамият бошқарувининг субъектлари томонидан сиёсий қарорлар қабул қилишда бевосита роль ўйнайди”³.

Ижтимоий фикр жамиятда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ва технологик муаммоларга кишилар фикр ва муносабатлари бўлиб, жамиятда турли қарорлар қабул қилинишида асос бўлади. Ижтимоий фикр муайян жамиятда яшовчи фуқароларининг фикрлари, ёндошувлари, қарашлари, эътиқоди йиғиндиси, оммавий онгнинг ҳолати, психологик ҳолати, ижтимоий воқеликнинг иқтисод, сиёсат, ўз ўзини англаш, маданият соҳаларидағи факт, воқеа-ҳодисаларига бўлган муносабатлари шакли сифатида талқин қилиш мумкин.

Жамоатчилик фикри:

1. Халқимиз ижтимоий-маданий тараққиёти ва миллий юксалиш жараёнларида муҳим аҳамият касб этади.
2. Жамият аъзоларини шахсий ва жамоавий такомилга, ўзаро аҳиллик, меҳр-муҳаббатга асосланувчи яқдилликка олиб бориш омили ҳисобланади.
3. Жамиятнинг тараққиёт мезони ва маромий амал қилиш мувозанати ҳамда барқарорликнинг асосий омили вазифасини ўтайди.
4. Жамиятда қонун устиворлигини янада мустаҳкамлаш, жамиятни ижтимоий, иқтисодий ва маънавий такомилга етказиш зарурлигини омма онгига сингдиришда муҳим ўрни мавжуд.
5. Халқнинг маънавий, ижтимоий ва психологик қиёфасини ўрганиш ва шу асосда илмий мезонларни ишлаб чиқишида муҳим аҳамиятга эга.

У шунингдек, жамиятда ахлоқий, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни таркиб топтиришда, шунингдек, мустақилликнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, конкрет социологик таҳлиллар воситасида очиб берилади, шахс маънавиятининг такомили турли хил жамоалар, уюшмалар, шунингдек маҳаллалар фаолиятлари мисолида ҳам ўрганилади. В.ЮГарасимовнинг фикрича, “Jamoatchilik fikri kollektiv psixologiyaga xos hodisa sifatida jamoat onginging atributi, uning namoyon bo'lish shakllaridan biri bo'lib xizmat qiladi. Jamoatchilik fikrining eng tez-tez namoyon bo'ladigan ko'rinishlari jamoaviy mulohazalar va jamoaviy xatti-harakatlar, urf-odatlar va an'analardir”⁴.

Ҳозирги давр ижтимоий тараққиёт тенденсияси жамоатчилик фикрини қудратли куч сифатида майдонга чиққанлиги билан изоҳланиши бежиз эмас. «Бундан бир неча ўн йиллар бурун-деб ёзади таникли америкалик олим, жамоатчилик назорати назарияси бўйича қатор

³ Пирогов А. "Политическая психология". Изд.: "Трикста" - Москва, 2005 г. 368 с .

⁴ Герасимов В. Социально-психологическая природа и сущность общественного мнения. <https://cyberleninka.ru/article/n/sotsialno-psihologicheskaya-priroda-i-suschnost-obschestvennogo-mneniya>

фундаментал тадқиқотлар муаллифи В.Липпман, – жамоатчилик фикрининг сиёсий ва ижтимоий ҳаётга нисбатан кўрсатажак таъсири бу қадар сезиларли эмас эди. Бугунги кунга келиб эса жамоатчилик фикри ижтимоий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи омилларидан бири сифатида амал қилмоқда»⁵.

Шунинг учун ҳам, тараққиётнинг ўзбек моделини, бу йўлдаги амалий ислоҳотларни қўллаб - қувватлаш ҳамда унда фаол эштирок этиш борасидаги муносабатларни ифодаловчи, жамият аъзоларининг барча табака ва қатламларини бирлаштирувчи жамоатчилик фикрини шакллантириш ва муттасил сақлаб қолиш мұхим аҳамият касб этмоқда. Кенг ҳалқ оммасининг ижобий муносабатини мақсадга мувоғиқ шакллантириш, доимий ўрганиш ва ҳисобга олиш тараққиётни таъминлашда тўғри йўлдан адашмаслик ва оқилона қадам қўйишга тобора кучли омилга айланиб бормоқда. “Шу жиҳатдан ҳам бугунги кунда ижтимоий фикрга таяниш жамиятда мавжуд реал жараёнларга тўғри баҳо беришда мұхим аҳамият касб этади”⁶.

Хулоса қилиб айтганда, жамоатчилик фикрини шакллантириш механизмини йўлга қўйиш мақсадларида мамлакатимизда жамоатчилик фикрини факат ўрганувчи эмас, балки уни шакллантириш ишлари билан ҳам бевосита шуғулланувчи олий малакали кадрлар тайёрлаш ишларини қўйиш, жамоатчилик фикрини шакллантирувчи социолог ва психолог мутахассислар тайёрлаш ишларини янада такомиллаштириш зарур. Вилоятлар ва туманларда ахборот ва мағкуравий хуружларга қарши фаолият юритувчи аҳолининг фикрини доимий ўрганиб борадиган социологик тадқиқотлар билан шуғулланадиган марказларни кўпайтириш ва уларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рўзиев Р. Демократия тараққиёт гарови. Т., “Фалсафа ва ҳуқуқ институти”, 2005. –Б. 62.
2. Фалсафа қомусий луғат. Тошкент, “Шарқ”, 2004. –Б 124.
3. Пирогов А. "Политическая психология". Изд.: "Трикста" - Москва, 2005 г. 368 с .
4. Герасимов В. Социально-психологическая природа и сущность общественного мнения. <https://cyberleninka.ru/article/n/sotsialno-psihologicheskaya-priroda-i-suschnost-obschestvennogo-mneniya>
5. Lippmann W. Public opinion. N.Y., 1992. P. 96.

⁵ Lippmann W. Public opinion. N.Y., 1992. P. 96.

⁶ Холбеков А. «Бошқарув социологияси» Т.Академия, 2007. – Б 69.